



704430, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани, Гулобод қо'рғ'они Tel/faks 8 (366) 231-99-31

«12» апрел 2013 - йил

№ 342-К

Тумандаги “Истиклол шуласи” фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мулжалланган омборхона, яшик, арматура ва шифер ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Туман ҳокимининг 2012 йил 3 августдаги 879-К сонли ер танлаш қарори, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 15 февралдаги 13-сонли баённомаси, Самарқанд туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 1066-сонли Архитектура-режалаштириш топшириғи ҳамда “Истиклол шуласи” фермер хўжалигининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 15 февралдаги 13-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. “Истиклол шуласи” фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мулжалланган омборхона, яшик, арматура ва шифер ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони танлаш ҳақидаги туман ҳокимининг 2012 йил 3 августдаги 879-К сонли ер танлаш қарорига асосан ижарага берилган 144-контурдан жами 0,27 га (шундан: 0,27 га фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев